



МАТЕРИАЛЫ
МЕЖДУНАРОДНОЙ НАУЧНО-ПРАКТИЧЕСКОЙ КОНФЕРЕНЦИИ
“ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО И
ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ, РАЦИОНАЛЬНОГО
ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ И ТУРИЗМА В СОВРЕМЕННЫХ
ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ”
Г. НУКУС, 26-27 ОКТЯБРЯ 2021 ГОДА

MATERIALS
INTERNATIONAL SCIENTIFIC AND PRACTICAL CONFERENCE
“ISSUES OF SOCIO-ECONOMIC AND INNOVATIVE DEVELOPMENT OF
TERRITORIES, NATURE MANAGEMENT AND TOURISM IN MODERN
GEOGRAPHICAL STUDIES”
NUKUS, OKTOBER, 26-27, 2021



**Министерство высшего и среднего специального образования
Республики Узбекистан
Каракалпакский государственный университет имени Бердаха
Географическое общество Узбекистана
Географическое общество Таджикистана**



**ЗАМОНАВИЙ ГЕОГРАФИК ТАДҚИҚОТЛАРДА ХУДУДЛАРНИНГ
ИЖТИМОЙ-ИҚТИСОДИЙ ВА ИННОВАЦИОН РИВОЖЛАНИШИ,
ТАБИАТДАН ОҚИЛОНА ФОЙДАЛАНИШ ВА ТУРИЗМ МАСАЛАЛАРИ**

Халқаро илмий-амалий конференцияси материаллари

(Нукус ш., 2021 йил 26-27 октябрь)

**Материалы Международной научно-практической конференции
ВОПРОСЫ СОЦИАЛЬНО-ЭКОНОМИЧЕСКОГО И
ИННОВАЦИОННОГО РАЗВИТИЯ ТЕРРИТОРИЙ, РАЦИОНАЛЬНОГО
ПРИРОДОПОЛЬЗОВАНИЯ И ТУРИЗМА В СОВРЕМЕННЫХ
ГЕОГРАФИЧЕСКИХ ИССЛЕДОВАНИЯХ**

(г. Нукус, 26-27 октября 2021 года)

**ЗАМАНАГӨЙ ГЕОГРАФИЯЛЫҚ ИЗЕРТЛЕЎЛЕРДЕ АЙМАҚЛАРДЫҢ
СОЦИАЛ-ЭКОНОМИКАЛЫҚ ҲӘМ ИННОВАЦИЯЛЫҚ
РАЎАЖЛАНЫЎЫ, ТӘБИЯТТАН АҚЫЛҒА МУЎАПЫҚ ПАЙДАЛАНЫЎ
ҲӘМ ТУРИЗМ МӘСЕЛЭЛЕРИ**

Халық аралық илимий-эмелий конференциясы материаллары

(Нөкис қ., 2021-жыл 26-27-октябрь)

II часть

Нукус - 2021

Туристтик ресурсларни комплекс баҳолаш ва олинган кўрсаткичларни қайта ишлаш ва интеграл кўрсаткичлар асосида вилоят ҳудудларининг рейтинглари ишлаб чиқилди. Ҳудудларнинг рейтингини ишлаб чиқаришда табиий-иқлимий ресурсларини 9 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичларининг умумий йиғиндиси 9 га бўлиниб, чиққан потенциал қиймат сони асосида рейтинглари чиқарилди. Ҳудди шундай тарихий-маданий ресурслар 6 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичлари ва ижтимоий-иқтисодий ресурслар саноқчилигини 7 та мезон бўйича баҳолаш кўрсаткичлари бўйича ҳудудлар рейтинглари аниқланди (2-жадвал).

Бу ерда табиий-иқлимий ресурслар саноқчилиги бўйича Китоб, Шахрисабз, Яккабоғ, Деҳқонобод туманлари юқори рейтинг ўринларини эгалласа, аксинча, Қарши шаҳри, Нишон ва Касби туманлари қуйи ўринда, тарихий-маданий ресурслар саноқчилигида Шахрисабз шаҳри, Яккабоғ тумани, Қарши шаҳри, Шахрисабз тумани юқори ўринларини, аксинча, Миришкор, Муборак, Нишон туманлари охириги ўринда, ижтимоий-иқтисодий ресурслар бўйича Қарши шаҳри, Шахрисабз тумани, Шахрисабз шаҳри, Яккабоғ тумани юқори ўринни ва аксинча, Ғузор, Деҳқонобод, Миришкор ва Касби туманлари қуйи ўринларини эгаллади.

Шундай қилиб, Қашқадарё вилоятининг туристик ресурслар кўрсаткичларини қайта ишлашда, комплекс баҳолаш методикаси табиий- иқлимий, тарихий-маданий ва ижтимоий-иқтисодий ресурсларга эга бўлган ҳудудларни, шунингдек, ҳудудларни туристик ресурслар саноқчилиги бўйича умумий рейтингини аниқлаш имконини берди. Комплекс баҳолаш натижаларига кўра нафақат туманларнинг туристик ресурслар саноқчилиги қийматларини таққослаш, балки давлат органларига ҳудудларнинг туристик жозибадорлигини ошириш ва минтақада сайёҳлик йўналишини жадал ривожлантириш бўйича тавсиялар бериш имконини ҳам беради.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Колбовский Е. Ю. Экологический туризм и экология туризма: учебное пособие. – М.: Академия, 2006. – 256 с.
2. Киякбаева Е.Г. Социально-экономические механизмы устойчивого развития туризма в регионах России. Дисс. ... канд. геогр. наук. – М., 2015. – 147 с.
3. Ушакова Е.О. Совершенствование методических подходов к комплексной оценке ресурсов территории для развития сферы туризма. Диссерт. к.э.н. – Новосибирск, 2016. – 80 с.
4. Худеньких Ю.А. Подходы к оценке туристского потенциала территории на примере районов Пермского края // География и туризм: сб. науч. тр. Вып. 2. – Пермь, 2006. – С. 217-230.
5. Цекина М.В. Оценка туристско-рекреационного потенциала Российского Заполярья. Автореферат дисс. ... к.г.н. – Москва, 2014. – 25 с.

Намозов Ж.А., Маманов Ў.Х.

САМАРҚАНД ВИЛОЯТИ АҲОЛИСИНИНГ СУВ РЕСУРСЛАРИ БИЛАН ТАЪМИНЛАНИШИНИНГ БАЪЗИ МАСАЛАЛАРИ

Аннотация. Мақолада сув ресурсларининг аҳоли хўжалик фаолиятидаги аҳамияти ва киши бошига тўғри келадиган сув миқдорининг ҳудудий хусусиятлари баён қилинган. Самарқанд вилояти мисолида сув ресурслари билан таъминланганлик ҳолатининг динамик ўзгаришлари туманлар доирасида кўрсатиб берилган.

Калит сўзлар: Самарқанд вилояти, сув ресурслари, динамик ўзгариш, арид ҳудуд, классификациялаш, аҳоли

Некоторые вопросы обеспечения водных ресурсов населения Самаркандской области

Аннотация. В статье раскрывается значение водных ресурсов в хозяйственной деятельности населения и территориальная характеристика количества воды на душу населения. В примере Самаркандской области динамические изменения состояния водоснабжения показаны по районам.

Ключевые слова: Самаркандская область, водные ресурсы, динамическое изменение, аридная зона, классификация, население

Some issues of supply of water resources to the population of Samarkand region

Abstract. *The article describes the importance of water resources in the economic activities of the population and the territorial characteristics of the amount of water per capita. In the example of Samarkand region, the dynamic changes in the state of water supply are shown in the districts.*

Key words: *Samarkand region, water resources, dynamic change, arid zone, classification, population.*

Самарканд вилояти мамлакатимизнинг сув ресурслари билан нисбатан яхшироқ таъминланган кам сонли ҳудудларидан бири ҳисобланади. Мавжуд кўп йиллик маълумотларга қараганда ҳудудда ўртача бир йиллик умумий сув миқдори 5385 млн м³ га тенг бўлиб, шундан 251 млн м³ сув шу жойнинг ўзида шаклланади, асосий сувни эса Зарафшон дарёси келтиради. Сув ресурсларининг жуда катта қисми, тахминан 75 фоизга яқини минтақа ҳудудида сарф бўлади (хўжаликка ишлатилади, буғланади, шимилади ва ҳк.), қолган сув эса дарёга қайтиб тушади ва кўшни вилоятлар иктисодиётига сарфланади[2]. Сувнинг катта қисми қишлоқ хўжалиги жуда оз миқдори ичимлик мақсадида ишлатилади. Бироқ истеъмол ва маиший мақсадларида сарфланадиган сувнинг миқдори билан бирга сифати ҳам асосий ҳисобланади.

Мавжуд сув ресурслари билан таъминланганлик индикаторларидан бири, унинг аҳоли жон бошига тўғри келувчи миқдоридир. Сув ресурсларини аҳоли жон бошига тўғри келувчи кўрсаткичларини ҳисоблашда мазкур ресурслар умумий миқдорини ўзгариши билан бирга, аҳоли сонининг ортиши ҳам муҳим аҳамиятга эга. Киши бошига тўғри келадиган сув миқдори эса 2 хил кўрсаткичда ифодаланади.

- бир кишига тўғри келадиган умумий сув миқдори.
- бир кишига тўғри келадиган ичимлик ва маиший мақсадларда ишлатиладиган сув миқдори.

1-жадвал

Самарканд вилояти аҳоли жон бошига тўғри келувчи сув ресурслари индекси (2018 й.)

№	Туманлар	Сув ресурслари (м ³ ҳис.)	Индекс
1	Булунғур	1084,7	1,514
2	Жомбой	1375,8	1,723
3	Иштихон	1034,9	1,238
4	Каттақўрғон	1379,2	1,513
5	Нарпай	1355,7	1,592
6	Нуробод	449,4	0,520
7	Оқдарё	1222,9	1,547
8	Пастдарғом	1888,0	2,197
9	Пахтачи	832,2	0,907
10	Пайарик	2927,2	3,304
11	Самарканд	611,0	0,696
12	Тайлоқ	677,2	0,766
13	Ургут	410,2	0,473
14	Кўшрабат	139,9	0,090
Вилоят бўйича		813,5	1,000

Жадвал Самарканд вилояти статистика бошқармаси, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ЗИТҲБ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Умуман олганда, мазкур табиий ресурслар вилоят аҳоли жон бошига ҳисоблаганда мамлакат кўрсаткичидан (1100 м^3) биров фарқ қилади (1-жадвал). Вилоятда сув ресурслари аҳоли жон бошига ўртача $813,5 \text{ м}^3$ дан тўғри келади. Мазкур ҳолат ҳудудлар бўйича фарқ қилади. Пайариқ ва Пастдарғом иуманлари аҳоли жон бошига тўғри келадиган умумий сув ресурслари минтака ўртача кўрсаткичидан 2 - 3 барабар юқоридир. Вилоят даражасидан паст жойларнинг баъзиларида (Нуробод, Пахтачи) сув жуда танқис бўлса, айримларида (Самарқанд, Тайлоқ, Ургут) аҳоли сони кўп. Энг кам сув миқдори Қўшработ тумани аҳолисига тўғри келади. Бу борада аграр соҳанинг таъсири кўпроқ сезилади, яъни сувнинг катта қисми хўжаликнинг ушбу тармоғига йўналтирилган.

Киши бошига тўғри келадиган умумий сув ресурслари сўнгги ўн беш йилликда баъзи ўзгаришларга учради (1-расм), яъни унинг миқдори мунтазам ўзгариб турди. Энг кўп даври 2007 йилда кузатилган бўлса, жуда кам вақти 2014 йилга тўғри келди. Мазкур жараёнда ҳам 2008, 2011, 2012, 2013 ва 2014 йилларда сув ресурслари камайиши кузатилган. Бунга сабаб юқорида таъкидлаб ўтилганидек, биринчидан аҳоли кўпайгани бўлса, иккинчидан сув ресурслари лимитининг ўзгариб туришидир. Айниқса охириги тўрт йилда вилоятга бериладиган лимит мунтазам ўсиб борган, 2016 йил икки йил олдинга нисбатан 139 фоизга кўп сув тўғри келган [1].



1-расм. Аҳоли жон бошига тўғри келадиган суғориладиган ер (сотих ҳис.) ва сув ресурслари (м^3 ҳис.) динамикаси

Расм Самарқанд вилояти статистика бошқармаси, Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармаси (ЗИТХБ) ҳамда Ўзбекистон Республикаси Ер ресурслари, геодезия, картография ва давлат кадастр давлат қўмитаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Минтақада сувдан фойдаланишдаги яна бир масала киши бошига тўғри келувчи сув ресурсларининг камайишидир. Ҳозирги кунга келиб аҳоли жон бошига тўғри келадиган $813,5 \text{ м}^3$ сувнинг катта қисми қишлоқ хўжалигига, озроғи саноат ва бошқа соҳаларга берилишини ҳисобга олсак, унинг тахминан 2 фоизи аҳоли эҳтиёжи учун сарфланади. Шу ўринда эслатиб ўтиш лозимки бу ерда аниқ (минимал миқдор) сув захираси ҳақида бормоқда. Яъни аҳоли жон бошига тўғри келадиган сув ресурслари бундан кам бўлмайди. Ҳозирги кунда бир йилда бир кишига $16,3 \text{ м}^3$, бир кунда 45 литр сув тўғри келадиган бўлса, ушбу рақам 2030 йилда 32 литрни ташкил қилмоқда [3] (2-жадвал).

Бирлашган миллатлар ташкилоти (БМТ) маълумотларига кўра нормал ҳаёт кечириш учун, бир кишига ўртача 15 литрдан 40 литргача сув керак бўлади [5]. Вилоят даражасида, ҳозирча бу борада жиддий муаммолар йўқ, лекин туманлар миқёсида (чўл ва чалачўл, тоғ ва тоғолди ҳамда шаҳар атрофи ҳудудларида) оз бўлсада камчиликлар кузатилади.

**Вопросы социально-экономического и инновационного развития территорий,
рационального природопользования и туризма в современных географических
исследованиях, г. Нукус, 26-27 октября 2021 года**

Самарканд вилояти арид ҳудудда жойлашгани сабабли сувдан фойдаланиш билан боғлиқ муаммолар ҳар доим учраб туради. Мазкур муаммолар кўлами, зарурияти жиҳатидан фарқ қилиниши боис уларни классификациялаш жуда муҳим. Классификациялашда эса масаланинг асосий жиҳатларига эътибор берилади, чунки қолган кичикроқ масалалар унинг ичига кириб кетади. Демак сув ресурсларидан фойдаланиш билан боғлиқ асосий муаммоларга қишлоқ хўжалигини ривожлантиришдаги умумий сув миқдорининг камайиб кетишини кўрсатиш мумкин. Бунга сабаб қилиб асосан иқлимий ўзгаришлар (ҳавонинг ифлосланиши, музликлар эриш жараёнининг тезлашиши) ҳамда шунга боғлиқ ҳолда сув захирасининг камайиб бораётганлигини кўрсатиш мумкин. Вилоят шароитида буларга қўшимча равишда трансчегаравий масалаларни кўрсатса бўлади.

2-жадвал

Аҳоли эҳтиёжи мақсадида ишлатиладиган сув миқдори

№	Туманлар	2018 йилда		2030 йилда кунлик
		Йиллик (м ³ хис.)	Кунлик (л. хис.)	
1	Булунгур	21.7	59	42
2	Жомбой	27.5	75	54
3	Иштихон	20.7	57	41
4	Каттақўрғон	27.6	76	54
5	Нарпай	27.1	74	53
6	Нуробод	9.0	25	18
7	Оқдарё	24.5	67	48
8	Пастдарғом	37.8	103	74
9	Пахтачи	16.6	46	33
10	Пайарик	58.5	160	115
11	Самарканд	12.2	33	24
12	Тайлоқ	13.5	37	27
13	Ургут	8.2	22	16
14	Кўшрабат	2.8	8	5
Вилоят бўйича		16,3	45	32

Жадвал Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошиқармаси ҳамда вилоят статистика бошиқармаси маълумотлари асосида муаллиф томонидан тайёрланди.

Мазкур ишда сув танқислигини ижобий ҳал қилишда экстенсив ва интензив йўллар таклиф қилинади. Экстенсив йўли вилоят ҳудудида мавжуд сув ресурсларини (асосан сой сувларини) кўпроқ ушлаб қолиш. Бунда сув омборларини қуриш муҳим аҳамиятга эга. Айни вақтда тоғ олди текисликлари жойларида, жумладан Омонқўтансойда қурилган 18 млн м³ ҳажмли Қоратепа сув омбори, Тўсинсойда қурилган 30 млн м³ ҳажмли Қўлтўсин сув омбори сувлари билан 5000 ва 8000 гектар ерлар суғорилмоқда. Келажакда сойларда яна ўнлаб сув омборлари қуриш мумкин. Чақилкалон ва Қоратепа тоғларида сув сифими 10-15 млн м³ га етадиган 10 дан ортиқ, Қорачатоғ, Оқтоғ ва Қоратоғ тизмаларида 8-20 млн м³ сув тўпланадиган 15 та йирик сойлар бор. Булардан ташқари яна кичикроқ сойларда 100 та майда сув омборлари қуриш мумкин. Мутахассислар фикрича кичик сув омборлари харажатлари 4-6 йилда қопланади. Иқтисодий жиҳатдан фойда бўлиши билан бирга, эҳтимоли мавжуд бўлган экологик муаммоларни олдини олиш осонроқ кечади. Масалан: Оқтоғ тизмасидан оқадиган сойларда бир неча кичик сув омборлари қуриш лойиҳалари мавжуд. Улардан Тосмачисойда умумий ҳажми 22,6 млн м³ (фойдали сув ҳажми 12,3 млн м³), Қорасойда 6,0 млн м³ (3,54 млн м³), Олтинсойда 15,0 млн м³ (8,41 млн м³), Кўксаройсойда 9,5 млн м³ (6,0 млн м³) сув йиғиладиган сув омбори қуриш мумкин [4].

Сув ресурсларидан фойдаланишнинг интенсив йўли мавжуд сув ресурсларидан унумли фойдаланиш чора-тадбирларини ишлаб чиқиш бўлиб, бунга асосан, суғоришни замонавий технологиялар билан уйғунлаштирган ҳолда орқали эришиш мумкин.

Фойдаланилган адабиётлар:

1. Зарафшон ирригация тизимлари ҳавза бошқармасининг маълумотлари. – Самарқанд, 2019.
2. Иванов Ю.Н. Водные ресурсы вилоятов Узбекистана // Гидрологические исследования в Средней Азии. – Т., 2010. – С. 137147.
3. Намозов Ж.А. Самарқанд вилояти ер-сув ресурсларидан оқилона фойдаланишнинг иқтисодий географик жиҳатлари. Г.ф.ф.д. (PhD) дисс. – Т., 2021. – 120 б.
4. Рахматуллаев О.Р. Ўрта ва Қуйи Зарафшон воҳа геосистемаларида экологик вазиятни географик оптималлаштириш. Геогр. фан. док. ... дисс. – Т., 2018. – 120 б.
5. UNEP, 2011, Towards a Green Economy: Pathways to Sustainable Development and Poverty Eradication (<http://www.unep.org/greenconomy>).

Nigmatov A.N., Tobirov O.Q.

**GLOBAL TURISTIK RAYONLASHTIRISHDA TABIIY GEOGRAFIK YONDASHUV
ZARURATI**

Annotatsiya. *Maqolada Yer planetasining quruqlik qismini “Geografik turizm” nuqtai nazardan rayonlashtirish zarurati asoslangan. Unda turistik maqsadda global va regional tabiiy geografik rayonlashtirish tajribasi keltirilgan.*

Kalit soʻzlar: *Yerning quruqlik qismi, turizm, rayon, rayonlashtirish, geografik turizm, tabiiy geografiya, prinsip, tajriba.*

**Необходимость физико-географического подхода при глобальном и региональном
туристическом районировании**

Аннотация. *В статье обосновывается необходимость районирование суши Земли в ракурсе “Географического туризма”. В ней приводится опыт глобального и регионального физико-географического районирования для туристической цели.*

Ключевые слова: *Суша Земли, туризм, район, районирование, географический туризм, физическая география, принцип, опыт.*

**THE NEED FOR A PHYSICAL AND GEOGRAPHICAL APPROACH IN GLOBAL AND
REGIONAL TOURIST AREA**

Abstract. *The article substantiates the need for zoning of the Earth’s land in the perspective of “Geographic tourism”. It provides the experience of global and regional physical-geographical zoning for tourism purposes.*

Key words: *dry land, tourism, region, regionalization, geographical tourism, physical geography, principle, experience.*

Geografik fanining tadqiqot predmetidan biri muayyan geotizimlarni turli maqsadlarda rayonlarga ajratish hamda rayonlashtirishdir. Zero, ular orqali geotizimlar representativ, ya’ni maqsadga yoʻnaltirilgan koʻrsatkichlari boʻyicha rayonlarga ajratiladi, ular tavsiflanadi, nomlanadi, baholanadi, tegishli chora-tadbirlar tavsiya etiladi. Rayonlashtirishda muayyan ma’muriy yoki tabiiy hudud taksonomik birliklarga muvofiq ravishda tizimlashgan iyerarxik pogʻonalarga ajratiladi. Geotizimlarni turistik nuqtai nazardan rayonlarga ajratish yoki rayonlashtirishda avvalam bor tadqiqotchining oldiga maqsadi aniqlanadi. Maqsad esa umumgeografik yoki uning tadqiqot yoʻnalishlari boʻyicha tabiiy geografik, iqtisodiy-ijtimoiy geografik, geotoponomik, geodemografik boʻlishi ham mumkin[15].

Geografiyaning obyektini boʻlgan geotizimlarni turistik maqsadda rayonlashtirish masalasi bilan shugʻullangan tadqiqotchi geograflar[4,5,7,8,9,10,11,12] unda iqtisodiy birliklar – yadro(markaz),

**Вопросы социально-экономического и инновационного развития территорий,
рационального природопользования и туризма в современных географических
исследованиях, г. Нукус, 26-27 октября 2021 года**

МУНДАРИЖА:

ОГЛАВЛЕНИЕ:

Приветствие ректора Каракалпакского государственного университета имени Бердаха, доктора технических наук, профессора Ахмеда Мамбеткаримовича Реймова Nazarov M.G., Javliyeva F., Muqimova N.I., Abdullayev S.I. Geoeкологиya - yangi fanlararo ilmiy yo`nalish	5
Назаров М.И., Жумаев Х.Х. Қашқадарё вилоятининг туризм-рекреацион ресурслар салоҳиятини комплекс баҳолаш	7
Намозов Ж.А., Маманов Ў.Х. Самарқанд вилояти аҳолисининг сув ресурслари билан таъминланишининг баъзи масалалари	10
Nigmatov A.N., Tobirov O.Q. Global turistik rayonlashtirishda tabiiy geografik yondashuv zarurati	15
Низамиев А.Г., Момошева Г.А., Айтыкулова Б.М. Туризм в Кыргызстане: основные показатели развития, предложения по поднятию имиджа отрасли	19
Нижёзов А.С. Бурение крупных ледников Памира - ключ к расшифровке тайн изменения климата	24
Nuratdinov A.U., Mubarekov A.B., Kamalatdinova Z.N., Ayarov A.U. Jer monitoringin jûritiwde zamanagoy texnologiyalardu qollaw imkaniyatleri	28
Нурланов А.С., Көшкинбаева М.Т. Мектеп билимлендириуинде тәлим тәрбиялык искерлик нәтийжелилигин жетилистириу мәселелери	32
Облақулов Ҳ.А. Навоий вилоят шаҳар ва қишлоқ аҳолиси турмуш тарзи билан боғлиқ худудий тафовутлар	35
Отеулиев М.О., Шамуратова Г.М. Қорақалпоғистон Республикаси суғориладиган тупроқлари шўрланишининг худудий тафовутлари	38
Равшанов А.Х., Равшанов Ш.А., Рустамов У.А. Аҳолига тиббий хизмат кўрсатишининг худудий ташкил этиш муаммолари	42
Рапиқов Б.Р. Норин дарёси оқимининг йиллараро ўзгарувчанлигига Тўхтағул сув омборининг таъсири	45
Рафиков В.А., Рафикова Н.А., Ниетуллаев Б. К методике определения степени развития процессов опустынивания в бассейне Аральского моря	48
Раҳимбердиева К.Д., Тўланова Н.Д., Хатамова Қ.М. Фарғона водийсида аҳоли жойлашувининг айрим масалалари	51
Раҳмонов К.Р., Ақромова Г.М., Илалатдинов Т.С. Чорбоғ сув омборига қўйиладиган дарёлар оқимининг ўзгарувчанлиги ҳақида	57
Реймов А.Р., Глеумуратова Б.С., Матжанова Ш., Салиева Н. Оценка влияния аральской катастрофы на природные ресурсы: подтверждение дестабилизации региональной агроэкосистемы	62
Реймов П.Р., Новикова Н.М., Мамутов Н.К., Худайбергенов Я.Г., Статов В.А., Оразбаев А.Р. Авандельты дренажного сброса южной части осушенного дна Аральского моря: современное состояние и вопросы космического мониторинга	65
Савчук И.Г. Развитие экспорта Херсонской области (Украина) под влиянием орошения	67
Саидова Д.А. Тоғ дарёлари ҳавзаларига ёққан атмосфера ёғинларининг ўртача кўп йиллик қатламини аниқлаш масалалари	70
Самиев А., Содиков Ш., Фархудинов С. Рекреационные ресурсы Таджикистана и их использование	72
Safarova N.I., Altibayeva M.B., Eshchanova M.M. O'zbekiston respublikasida xizmat ko'rsatish tarmoqlarini hududiy rivojlanish xususiyatlari	76
	80
	242